

ҚАДИМГИ ХИТОЙДА ДАОСИЗМ ТАЪЛИМОТИ

Қахрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада қадимги Хитойда вужудга келган даосизм таълимоти, унинг асосчилари, тарафдорлари ҳақида фикр юритилган. Ушбу таълимотга оид манбалар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Таълимотга оид қарашлар, унинг вужудга келиши, асосий қонуниятлари ва тамойиллари ёритиб берилган. Даосизм таълимотининг ҳозирги ҳолати, издошлари ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Лао Цзы, “Дао Дэ Цзин”, Ян Чжу, “Ле Цзы”, “Дао”, “Ци”, “Ян”, “Ин”, Чжоу, Чжуан Чжоу, Чжуанцзы

Қадимги Хитойда вужудга даосизм таълимоти унинг асосчиси Лао-цзы томонидан ишлаб чиқилган “Дао” ва “Ци” ҳақидаги, қисқача айтганда даосизм “Дао” – йўл ва “Ци” – ҳайёт тўғрисидаги таълимот. Унга кўра, жамиятнинг барча аъзолари табиий қонун “Дао”га қатъий бўйсунуши керак. “Дао” қонунини бузган одам табиат қаҳрига дучор бўлади. “Ци” бу – жисмларнинг илдизи, яъни борликни ифода этади. У бешта унсур – ер, сув, олов, ёғоч ва металлдан ташкил топган. Дунёдаги барча жисмлар бешта унсурнинг турлича бирикишидан юзага келган¹”.

Лао-цзы (кекса чақалоқ, доно чол милоддан аввалги VI аср) қадимги Хитой файласуфи, “Дао Дэ Цзин” рисоласининг муаллифи. У Чу қироллигининг жанубий Ху округи Цюйжэнь, қишлоғида туғилган. У умрининг кўп қисмида Чжоу сулоласи даврида император архивида назоратчи ва давлат кутубхонасида хизмат қилган. Аммо у ҳақида манбаларда ишончли тарихий ёки биографик маълумотлар мавжуд эмас².

“Сыма Цяньнинг қайд этилишича мутафаккир кексалик вақтида иш жойини тарк этиб, ғарбга саёҳатга чиқади. Шундай қилиб, Лао-цзининг таълим йўли бошланди ва Дао Дэ Цзин тушунчаси пайдо бўлди. Унинг туғилиши бўйича мутлақо мистик версия ҳам мавжуд. Афсонага кўра, Лао-цзининг онаси уни бир неча ўн йиллар давомида олиб юрган ва мутафаккир кулранг сочлар ва кекса юз билан туғилган. Айнан шу афсона туфайли донишманд Лао-цзы деб номланган. Лао-цзы “кекса бола”, “кекса донишманд” деган маънони англатади.

¹ <https://oyina.uz/kiril/teahouse/1499>

² https://biblioclub.ru/index.php?page=author_red&id=48614

Манбаларда қайд этилишича қуйидаги афоризмлар Лао-цзыга тегишли.

– Агар бирор киши узоқ вақт давомида бировнинг зинапоясидан кўтарилган бўлса, унда ўзиникини топиш учун олдин пастга тушиши керак.

– Зарар фойдага, фойда эса зарарга айланиши мумкин.

– Кучли бўлиш учун сув каби бўлишингиз керак. Сувда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Тўртбурчак идишда у тўртбурчак, думалоқда эса думалоқ бўлади. У жуда итоаткор бўлгани учун, у керак ва энг муҳим.

– Биз ҳеч қачон шамол йўналишини ўзгартира олмаймиз, лекин биз елканларни тўғри ўрнатишимиз мумкин.

– Юзлаб километрлик саёҳат биринчи қадамдан бошланади.

– Аҳмоқ хатоларда бошқаларни айблайди, ақлли ўзини айблайди, доно эса ҳеч кимни айбламайди”³.

Даосизмнинг яна бир вакили Ян Чжу (тахминан милoddан аввалги 440 -360) ҳақида ҳам маълумот жуда кам. Ян Чжунинг қайд этишича, ҳаётнинг табиий қонунлари – “Дао”га риоя қилиш инсонга “ўз табиатини бутунликда сақлаб қолишга имкон беради. Унинг фикрига кўра, даосизм таълимоти дунёдаги ҳамма нарсанинг қарама-қарши курашидан иборат. Улар ўзгаришда, ҳаракатда: “бир хил нарсалар кетиб, бошқа хил нарсалар келади, баъзи нарсалар гуллайди, баъзилари сўнади”⁴.

Қайд этилишича, даосизм ҳам бошқа динлар каби кўплаб секталарга ажралиб кетган. Даосизм коҳинлари шахснинг ўз-ўзини ахлоқий такомиллаштириш ғоясини тарғиб қилиб, узоқ умр кўришнинг муайян усулини таклиф қиладилар. Бу усул парҳез, жисмоний машқлар тизими ва бошқаларни ўз ичига олиши қайд этилган⁵.

Даосизм тарафдорлари бир нечта гуруҳларга бўлинган бўлиши мумкин, аммо назаримизда даосизмни диний таълимот деб бўлмайди. Хусусан, мазкур манбада ҳам даосизмга оид диний қарашлар эмас балки, узоқ умр кўриш ҳақида маълумот келтирилган. Аммо даосизм таълимотида ҳам бошқа таълимотлар каби нафақат унинг тарафдорларини, балки барча инсонларни одобга, тартибга, интизомга риоя қилишга чақириқлар мавжуд. Хусусан, манбаларда қайд этилишича қуйидагилар даосизмда таълимотида асосий қоидалар ҳисобланади.

– Ўлдирманг, ҳар доим тирик мавжудотларга эҳтиёт бўлинг.

– Шаҳватдан сақланинг ва фикрларингизда беҳаёликка йўл қўйманг.

– Ўғирлик ёки ноҳақлик ютуқларни қабул қилманг.

– Бошқаларни алдаманг ва яхшилиқни ёмонлик билан аралаштирманг.

– Ҳушёр бўлинг ҳамда ҳар доим хулқ-атвор ва поклик ҳақида ўйланг”⁶.

³ <https://www.championat.com/lifestyle/article-5390340-25-luchshih-citat-lao-czy-o-zhizni-garmonii-schaste.html>

⁴ Титов А. Л. Философия жизни и эвдемонизм Ян Чжу // Проблемы Дальнего Востока. 2015.

⁵ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/daosizm-uz/>

⁶ Торчинов Е.А. Даосизм: опыт историко-религиозного описания. СПб., 1998. // <https://www.google.com>

Умуман олганда, даосизм таълимоти ҳақида манбалар кам. Шундай манбалардан бири Чжуанцзы қадимги Хитой даосизм таълимотига оид иккита асосий рисоалардан бири ҳисобланади. Рисола муаллиф Чжуан-цзы (Чжоу) шарафига номланган. Чжуанцзыда ҳазил билан ифодаланган кўплаб латифалар, аллегориялар, масаллар ва эртаклар мавжуд. Унда турли қарама-қаршиликлар, хусусан яхши ва ёмон, ҳаёт ва ўлим, инсон ва табиат ўртасидаги фарқлар, инсоният ва жамиятга оид муаммолар тасвирланган. Ўша даврдаги кўплаб Хитой файласуфлари томонидан билдирилган яхши ахлоқ ва шахсий бурчга урғу беришдан фарқли ўлароқ, Чжуанцзы табиатга эргашишни тарғиб қилди. Бу орқали инсон охир-оқибат “дао” – “йўл” га эришади”⁷.

Даосизмнинг ўлмасликка эришишга бағишланган китобларида минг йиллар давомида ўлмасликка эришиш учун рецептлар тўпланган ва қадимги даврларга бориб тақалади. Ўлмаслик мавзуси афсоналарда ёритилган, ўлмасликка эришиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, императорлар ўлмасликка эришишга ҳаракат қилишган. Император Цинь Шихуандининг ўлмасликка интилиши айниқса машхур. Шарқий Чжоуда ўлмасликка эришиш учун шахсий ҳаракатларни ўз ичига олган янги диний “стандарт” пайдо бўлади. Вэнь Идонинг сўзларига кўра, бу янги амалиёт ўрта қироллик аҳолиси учун хос бўлмаган дафн маросимида кремация ишлатилган Цян эътиқодлари билан боғлиқ бўлиши мумкин⁸.

Чуньцю даврида ўлмаслик тушунчаси кенг тарқалган. Императорлар ва князлар ўлмаслик сирларини излаш билан шуғулланишган. Хан тарихчисининг сўзларига кўра Император Цинь Шихуан яқинлашиб келаётган ўлимидан жуда хавотирда эди. Саёҳатлари давомида у фанши сеҳргарлари ва жодугарлари билан танишиб, улардан ўлмаслик эликсирининг сирини билиб олишга умид қилди. Милоддан аввалги 219 йилда уни излаш учун у Шарқий денгиз оролларида экспедиция юборди. Сыма Цяннинг сўзларига кўра, бундай экспедициялар милоддан аввалги IV асрдан бошлаб ташкил этилган. Цинь Шихуан мисли кўрилмаган миқёси билан ажралиб туради.

Манбаларда қайд этилишича император Хань У-ди (милоддан аввалги 141-87 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳам ўлмасликка эришишга қизиқиш билдирган. У-ди агар унга сариқ император сифатида осмонга кўтарилишга рухсат берилса, хотинлари ва болаларини тарк этишга тайёрлигини билдиради. Империя чегараларининг кенгайиши билан бир қаторда, ўлмасликни излаш стратегияси ҳам ўзгарди. Илгари қизиқиш шарқий денгизга қаратилган бўлса, ғарбий ерлар

⁷ Мэйр, Виктор Х. (1998). “Chuang-tzu”. В Найнхаузере, Уильяме (ред.). [Индианский компаньон традиционной китайской литературы](#). Том. 2. Блумингтон: Издательство Университета Индианы. стр. 20-26. [ISBN 0-253-33456-X](#) - через Google Books. // <https://www.labirint.ru/books/375280/>

⁸ Yü, Ying-shih. «Life and Immortality in The Mind of Han China». *Harvard Journal of Asiatic Studies*, Vol. 25, (1964—1965), pp. 80-122.

забт этилиши билан ғарбий Куньлунь тоғида ўлмаслик ғояси тарқалди”⁹.

Қайд этилишича, ўлмаслар бошқа вақт ўлчовида яшайдилар, ҳаётларининг бир куни кўп йиллар давом этади. Афсоналарга кўра, ўлмас одамлар пэнлай оролида ва гигант ао тошбақалари томонидан қўриқланадиган оролларда¹⁰, бошқа манбаларга кўра, узок ғарбда Куньлунь тоғи яқинида яшайдилар. Ўлмаслар махсус озук масалан, “самовий шудринг” ва умрни узайтирадиган эликсирни истеъмол қиладилар.

Манбаларда қадимги Хитой даосизм роҳиблари томонидан узок умр кўришининг ташқи ва ички алкимё усуллари ҳақида фикр юритилган. Хусусан, ташқи алкимё махсус усулда тайёрланган дори-дармонларни қабул қилиш орқали ўлмасликка эришишга уринишган. Ўлмасликка эришишда айниқса олтин ва киноварь қадрланган. Ташқи алкимё усуллари ва рецептларининг батафсил танқидий таҳлили Ге Хуннинг “Баопу-цзы” рисоласида келтирилган. Эликсирни тайёрлашда қийинчилик жуда тоза моддаларни олиш, кимёвий жараёнларнинг бошланиш вақтини танлаш ва эликсирни тўғри қабул қилиш усуллари эди. Рисолада кўплаб моддалар ва минераллардан фойдаланган эликсирлар муҳокама қилинади ва ўлмас шарлатанлар ҳаётидан ҳикоялар келтирилган.

Эликсирни тайёрлаш III–V асрларга қадар машҳур бўлган. Эликсирлар ғайритабиий ўлим билан вафот этган императорларга ҳам берилган. Қолдиқларнинг замонавий таҳлили кўплаб императорларнинг суякларида маргумуш, симоб ва бошқа заҳарли минераллар мавжудлигини кўрсатади. Даосизм ривожланиши билан ташқи алкимёга оид қадимий ёзувлар қайта талқин қилинди. Минераллар ва моддалар танадаги ички жараёнларнинг рамзи сифатида тушунила бошланди ва ички алкимё усуллари ривожлана бошлади.

Ички алкимё Тан ва Сун даврларида айниқса машҳур бўлди. Бу даврга оид кўплаб ёзувлар сақланиб қолган. Скептикларнинг фикрига кўра, ички алкимё кеч ҳодисадир. Ички алкимёнинг баъзи элементларини Хан давридан кузатиш мумкин, шунинг учун ички алкимёга қадим замонлардан амал қилиб келган ва ташқи билан параллел равишда мавжуд бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд. Ички алкимёга оид фундаментал рисоалардан бири II аср Вэй Боян Цаньтунци асаридир. Ички алкимё ўлмасликка махсус машқлар ва медитациялар билан қувватланадиган танадаги муайян жараёнлар орқали эришилади деган фикрга асосланади.

Ички алкимё доктринаси қуйидаги хусусиятларга эга: Инсон ичида содир бўлаётган жараёнлар табиий ритмлар билан ўзаро боғлиқ – табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, кундузги-тунги цикл, ой фазалари, Юпитер курси. Ицзин табиий ритм ва ҳодисаларни тушунишга бағишланган. Табиатни кузатиш ва Ицзин ва

⁹ Yü, Ying-shih, pp.96-7.

¹⁰ Ле-цзы, глава 5

бошқа классик китобларга риоя қилиш орқали танадаги ички жараёнларни тўғри йўналтириш мумкин. Ички жараёнлар нафас олиш машқлари “цигун” ва махсус медитациялар ҳисобланади. Шу билан бирга, классик Хитой тиббиётининг танадаги каналлар, ички органлар ва “Ци” энергия оқимлари ҳақидаги билимлари фаол қўлланилади¹¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, даосизм таълимотининг ўлмаслик ҳақидаги қарашларига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Муқаддас Қуръони Карим Оли-имрон сурасининг 185-оятда “Ҳар бир жон ўлимни тортувчидир”¹², – дейилган. Хитой тарихида ўлмаслик сирларини излашга қарши ҳукмдорлар ҳам бўлган. Мисол учун Хан сулоласининг биринчи императори Лу Цзя (милоддан аввалги 240-170) “Синь Юй” рисоласида ўлмасликни излашга қарши чиққан¹³.

Даосизм таълимотида нафақат узок умр кўриш, балки бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр юрилган. Манбаларда қайд этилишича, даосизм “Ян” эркак принципи ва “Ин” аёл мувозанатининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тамойилидир. “Ян” эркак принципи барча фазилатларга асосланади, “Ин” аёл принципи, аксинча пассивликни ўз ичига олади. Аммо биттасиз бошқаси бўлмайди. Бу тартибсизликка олиб келади. Даосизм “Ян” ва “Ин” ўртасидаги уйғунликка эришиш йўлини таклиф қилади.

Шунингдек, даосизмнинг “Дао” ва “Ци” ҳақидаги қарашларида қайд этилишича, “Дао”нинг бутун йўли “Ци” энергиясига асосланган. Бу инсоннинг “Ци” энергиясини ва атрофдаги барча тирик мавжудотларнинг “Ци” энергиясини ўз ичига олган космик циклнинг бир тури. Кўпинча даоистлар “Ци” энергияни – “Ҳаёт кучи” деб аташади. Бу инсон танасидаги қон билан таққосланади. Коинотдаги ҳеч бир тирик организм усиз яшай олмайди. “Ци” энергияси ёрдамида тана, онг ва инсон муҳити ўртасида алоқа ўрнатиш мумкин. Бу мазкур фалсафий таълимотнинг барча издошларининг асосий мақсади ҳисобланади. Энг кенг тарқалган усул – бу “Тай-цзыцзюань” махсус нафас олиш машқлари бўлиб, унинг ёрдамида одам ўзининг “Ци” энергиясини “Ци” табиий энергия билан бирлаштира олади. Қайд этилишича, тай-цзыцзюань техникаси барча Хитой жанг санъатларининг асосига айланган. Чунки у осмон ва ер кучлари ёрдамида душманга қарши туриш учун “Ци” энергиясининг концентрациясини таъминлаш учун ишлатилиши мумкин.

Даосизм уйғунликни таъминлашга мўлжалланган “Ци” энергиясини бошқариш учун бир нечта ўзаро боғлиқ тизимларни ишлаб чиқди. Аслида, тай-цзыцзюань нафас олиш техникаси қадимги Хитой тананинг ўзини ўзи бошқариш

¹¹ Schipper, Kristofer The Taoist body. Translated by Karen C. Duval Berkeley: University of California Press, 1993.

¹² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимча қилинган иккинчи нашр 1 ЖУЗ. 2008. – Б. 463-464.

¹³ Yü, Ying-shih, pp. 96-7.

санъатининг бир қисми – “цигун” ҳисобланади. “Цигун” жанг санъати ва тиббиётда жуда тез-тез ишлатилади. Чунки у дам олиш ва маънавий ва жисмоний уйғонишга ёрдам беради. У медитация амалиёти, нафас олиш машқлари, турли жанговар амалиётлар ва фалсафий назарияларни ўз ичига олади. Қайд этилишича, кўп йиллик доимий машғулотлар давомида “Цигун” техникаси амалиёти ва маҳорати туфайли хитойлик роҳиблар узоқ вақт давомида озик-овқат ва сувсиз, ҳатто ҳавосиз қолиш қобилиятлари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирган. Агар “ци” энергиясини ҳамма нарсанинг асоси деб ҳисобласак, “Ян” ва “Ин” уйғунлиги даосизмнинг ҳар бир издоши учун асосий мақсад бўлса, унда “Цигун” бу уйғунликка эришиш учун ўзига хос механизмдир”¹⁴.

Шунингдек, манбаларда даосизмнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари куйидагилар эканлиги қайд этилган.

1. Иккилик Қонуни: Ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Унда туғилиш ва ўлим, муҳаббат ва нафрат, дўстлик ва рақобат, учрашув ва ажралиш, қувонч ва азоб-уқубатлар мавжуд. Баъзан, бирор нарсани тушуниш учун сиз кўришингиз, бунинг аксини билишингиз керак. Инсон ҳам қарама-қаршидир. Бир томондан, унинг ҳаётида барқарорлик истаги бўлиши мумкин, бошқа томондан, бирор нарсани ўзгартириш ва норозилик ҳисси туфайли доимо олдинга силжиш истаги бўлиши мумкин. Иккилик дунёсида биз ўзимиз ва ҳаётнинг ўзи билан йўқолган бирликни топишга интиламиз. Қарама-қаршиликлар мувозанатни яратади ва бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш ҳаётнинг хилма-хиллигини таъминлайди. Бир ҳолат иккинчисисиз мавжуд бўлолмайди. Ёруғлик бўлиши учун зулмат керак.

2. Ойна Қонуни: Бошқа одам бизнинг ойнамиз. У бизга ўзимизга қаршни истамайдиган нарсаларни ўзимизда кўришга ёрдам беради. Ёмонликни кўрмайдиган одам учун ёмонлик йўқ. Яхшиликни кўрмайдиган одам учун эса яхшилик йўқ. Инсон эшитишни истамайдиган нарса – бу ҳаётнинг ушбу босқичида эшитиш учун энг муҳим бўлиши мумкин. Агар сиз безовта қиладиган нарсани ўзингиз тузатсангиз, тақдир энди бундай ойнани юбормайди. Ўзига ёқимсиз бўлган ҳамма нарсдан қочадиган одам, ўзининг ҳаётини ўзгартириш, ўсиш имкониятларини маҳрум қиладиган одам.

3. Фикрни бошқариш қонуни: Бошқа одамлар билан мулоқот қилиш жараёнида биз уларнинг кайфиятини “ҳиссий инфекция” орқали қабул қилишга мойилмиз. Шу билан бирга руҳиятимизда бир тажриба бирин-кетин давом этади. Кўпроқ энергия берадиган нарса ҳаётимизда устунлик қилади. Сизнинг бошингизда айланаётган фикр магнит каби ҳаракат қилади ва бошқаларни ўзига жалб қилади. Инсон учун ўзининг салбий ва самарасиз фикрлари оқимини тўхтатиши қийин. Чунки у маълум бир тарзда фикрлаш, ташвишланиш,

¹⁴ <https://www.advantour.com/rus/china/religion/taoism.htm>

азобланиш ёки орзу қилиш одатини ривожлантиради. Шундай қилиб, у муаммоларни фаол ҳал қилишдан узоқлашади.

4. Қабул қилиш ва бетарафлик қонуни: Воқеаларнинг ўзи яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Улар нейтралдир. Бизнинг идрокимиз ва ҳиссий баҳолашимиз уларни яхши ёки ёмон қилади. Ҳаёт ўз-ўзидан қимматли ва гўзал. Биз буни қабул қилишимиз, қувонишимиз ва бизга берилган ҳамма нарсани қадрлашимиз керак. Даосизм таълимотига кўра, ҳаётга, ақлнинг кучига ва юракнинг буйруғига ишониш муҳим. Ҳаммаси керак бўлганда содир бўлади, ҳатто истиқболни бутунлай бошқача кўрган бўлсангиз ҳам.

5. Танлов қонуни: Ҳаётимиз танловлардан иборат. Биз уларни доимо амалга оширамиз. Агар бирор киши бу вариантни бошқа бировга бериб, танламасликка қарор қилса, бу ҳам танлов. Дунё имкониятлар ва йўқотишларга тўла. Бир нарсани қабул қилиб, бошқа нарсдан воз кечамиз. Бир эшикка кирганимизда, автоматик равишда бошқасига кирмаймиз, чунки биз бир вақтнинг ўзида иккита жойда бўла олмаймиз. Ҳар ким ўзи учун нима муҳимроқ эканлигини ўзи ҳал қилиши керак.

6. Нотўғри йўл қонуни: Агар сиз ўз йўлингизни режалаштирмасангиз, мақсадлар ҳам қўймайсиз. Сиз бирон бир жойда ёки мутлақо ҳеч қаерда бўлмаслигингиз мумкин. Сиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Сиз қанчалик нотўғри йўлдан борсангиз, ўзингизга қайтиш ва ўзингизни топиш шунчалик қийин бўлади.

7. Талаб қонуни: Агар сиз ҳеч нарса сўрамасангиз, ҳеч нарса олмайсиз. Ноаниқ ва шаклланмаган нарсани талаб қилсангиз, тушунарсиз нарсани оласиз. Бизнинг сўровимиз тегишли ҳақиқатни жалб қилади ва яратади¹⁵.

Хитойда ҳозир ҳам даосизм қарашлари ва уларнинг издошлари мавжуд. Манбаларда қайд этилишича, қадимги Хитой даосизм таълимотига оид бино ва иншоотлар, деворий ёзувлар ва фрескалар сақланиб қолган. Уларни Могао ғор мажмуасининг девор расмларида қадимги гаочанг ибодатхоналари харобаларида кўриш мумкин.

Ҳозирда дунёда даосизмнинг расмий издошлари унчалик кўп эмас. Тахминан 9 миллион, норасмий равишда даосизм таълимоти замонавий Хитой ва Ветнамда жуда машҳур¹⁶. Яна бир манбада қайд этилишича, даосизм асосан Хитой, шунингдек чет элдаги Хитой диаспоралари (тахминан 30 миллион издошлари), шунингдек Ветнамда кам сонли даосизм издошлари мавжуд. Шунингдек, даосизм Тан сулоласи даврида Корея ярим ороли худудида кенг тарқалган. Ҳозирда Хитойда 1500 даосизм ибодатхоналари ва монастирлари

¹⁵ <https://www.championat.com/lifestyle/article-5213713-что-такое-дао-7-osnovnyh-principov-i-ponyatij-daosizma-чтобы-stat-po-nastoyaschemu-schastlivym.html>

¹⁶ <https://levelvan.ru/pcontent/daosizm-6/glavnoe>

мавжуд бўлиб, уларда 25 мингга яқин роҳиб ва роҳибалар яшайди”¹⁷.

“Хитойда Бутунжаҳон даосизм Федерацияси ташкил этилган. Қайд этилишича 2023 йил 24 сентябрда таълимот издошлари ва мухлислари Маошань тоғида жойлашган мажмуада тўпланишди. “Форум Хитой даоистлар уюшмаси ва Хитой диний ва маданий алмашинувлар ассоциацияси томонидан Гонконг, Макао ва Тайваннинг даоистлар уюшмалари иштирокида ташкил этилди. Таъсисчилар орасида 52 та даоистик ташкилот мавжуд. Икки кунлик тадбирда жами 39 мамлакат ва минтақалардан 500 дан ортиқ вакиллар, экспертлар ва олимлар иштирок этди”¹⁸.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, даосизмни дин ёки аниқ, ягона бир таълимот ёки таъбабат деб ҳам бўлмайди. Даосизмни бир нечта қарашдан иборат умумий, ижтимоий, фалсафий таълимот деб айтиш мумкин. Хусусан, даосизм тарафдорлари инсон, унинг табиий, руҳий ҳолати, табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқлик, инсон дуч келиши мумкин бўлган турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларга оид қалашлар, турли маросимларни бажарган, айрим қонуниятларга риоя қилган, анъанавий ахлоқни тарғиб қилган ижтимоий қатлам. Даосизм таълимотининг мақсадлари, вазифалари, йўналишлари хилма-хил бўлгани сабабли уни ягона сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Шунинг учун, даосизм таълимоти издошлари ўзларига лозим бўлган йўналишларга мос равишда бир нечта секталарга бўлиниб кетган. Даосизм қадимги Хитойда вужудга келган бошқа таълимотлардан фарқли ўларок, давлатнинг сиёсий, ҳарбий фаолиятига у қадар аралашмаган. Ушбу таълимотнинг узок умр кўриш ҳақидаги қарашлари ҳукумдорларни, аҳолининг юқори қатламларини қизиқишига сабаб бўлган. Улар узок умр кўриш сирларни билишга бўлган қизиқишлари туфайли даосизм роҳиблари билан ҳамкорлик қилишган. Таълимотнинг ўлмаслик тўғрисидаги асосиз қарашлари ўз аҳамиятни йўқотган. Аммо ҳозир ҳам даосизмнинг “даоинь и нэйгун”, – деб номланган нафас олиш, медитация, турли гимнастика, тўғри овқатланишга оид даволаш усулларига мурожаат қилувчилар мавжуд.

Умуман олганда, даосизм таълимотига қадимги Хитой ҳукумдорлари ва яқин ўтмишдаги ҳукумат томонидан турли муносабатлар бўлган. Мисол учун, 1949 йилда Хитойда ҳокимиятга келган коммунистлар даосизмни хурофот сифатида талқин қилин бўлса, 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошларидаги ислохотлар даврида даосизм, миллий маданиятнинг бир бўлаги сифатида кўрилган. Манбаларда даосизм роҳиблари аҳолига тўй, дафн ва болалар туғилиши билан боғлиқ маросимларни ўтказиш орқали хизмат қилиши қайд этилган.

¹⁷ <https://www.google.com>

¹⁸ <https://tass.ru/opinions/18847387>

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. <https://oyina.uz/kiril/teahause/1499>
2. https://biblioclub.ru/index.php?page=author_red&id=48614
3. Торчинов, Е.А. Даосизм: опыт историко-религиозного описания. СПб., 1998.
4. <https://www.championat.com/lifestyle/article-5390340-25-luchshih-citat-lao-czy-o-zhizni-garmonii-schaste.html>
5. Титов А. Л. Философия жизни и эвдемонизм Ян Чжу // Проблемы Дальнего Востока. 2015.
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/daosizm-uz/>
7. <https://www.google.com>
8. Мэйр, Виктор Х. (1998). “Chuang-tzu”. В Найнхаузере, Уильяме (ред.). Индианский компаньон традиционной китайской литературы. Том. 2. Блумингтон: Издательство Университета Индианы. стр. 20-26. ISBN 0-253-33456-X - через Google Books.
9. Yü, Ying-shih. «Life and Immortality in The Mind of Han China». Harvard Journal of Asiatic Studies, Vol. 25, (1964—1965), pp. 80-122.
10. Yü, Ying-shih, pp.96-7.
11. Ле-цзы, глава 5
12. Schipper, Kristofer The Taoist body. Translated by Karen C. Duval Berkeley: University of California Press, 1993.
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимча қилинган иккинчи нашр 1 ЖУЗ. 2008. – Б. 463-464.
14. Yü, Ying-shih, pp.96-7.
15. <https://www.advantour.com/rus/china/religion/taoism.htm>
16. <https://www.championat.com/lifestyle/article-5213713-что-такое-дао-7-osnovnyh-principov-i-ponyatij-daosizma-чтобы-стать-по-настоящему-счастливым.html>
17. <https://levelvan.ru/pcontent/daosizm-6/glavnoe>
18. <https://www.google.com>
19. <https://tass.ru/opinions/18847387>